

## Масжидул Ҳарам ичида «Haram Emergency Center 1» очилди



08:00 / 26.02.2021 1771

Саудия Арабистонининг Макка шаҳридаги Масжидул Ҳарам ичида «**Haram Emergency Center 1**» деб номланган тез тиббий ёрдам хизмати маркази очилди. Бу ҳақда [theislamicinformation.com](http://theislamicinformation.com) манбаси хабар берди. Шошилиш тиббий ёрдам маркази барча зиёратчилар ва ташриф буюрувчиларга йил давомида ҳафтада 24 соат соғлиқни сақлаш хизматларини тақдим этиб боради.



Тез тиббий ёрдам марказида Масжидул Ҳарам ичидаги ҳар қандай фавқулодда вазиятни бартараф этиш учун барча юқори сифатли тиббий жиҳозлар мавжуд.

***Инглиз тилидан таржимон Низомиддин Муҳаммад***